



Тинчлик шукронаси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши фаоллари, депутатлар томонидан Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган кексаларни йўқлаш тадбирлари ўтказилмоқда.

Андижон шаҳридаги «Ишчилар» маҳалласида яшовчи Паттияхон буви Абдурахмонова партия фаоллари, мактаб ўқувчилари билан кўришиб, ҳурсандчилигини эзгу тилаклар билан ифода қилди:

— Йўқлаб келганларингдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Меҳри сўзларингизни эшитиб, яйрадим. Сизлардек қадрдонларим борлигидан фахрланаман. Ҳеч қачон уруш кўрманглар, бугунги тинч ҳаётни қадрланглар.

Онаҳон билан меҳмонлар суҳбати кизгин кечди.

«Саноат» маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Татьяна Усмонованинг хонадони ҳам меҳмонлар билан тўлди. Ўқувчилар онаҳонга гуллар тугишди. Андижон шаҳар партия кенгаши раиси Баҳромжон Қурбонов, партия фаоли Шоҳиста Нурматова мезбон билан дилдан гаплашди. Унинг ёшлик хотиралари, бугунги ҳаёти билан қизиқишди. Кўрган-кечирганларини сўзлар экан, онаҳоннинг кўзларига ёш келди. Яқинларини йўқотганини ўқинч билан эслади. Аммо бугунги осуда ҳаёти барча яраларига малҳам бўлаётгани, бахтли эканини таъкидлади.

— Бувижоним барчамизнинг фахримиз, — деди унинг набираси Алина Яфизова. — Юртдошларимизнинг меҳр-оқибатидан умри узайяпти. Қадрдонларнинг ширин сўзлари бувижонимга куч-қувват бахш этаяпти.

«Гулистон» маҳалласида умргузаронлик қилаётган меҳнат фахрийлари Абдусамат ота Халилов, Эътиборхон буви Тўхтабоева ҳам партия фаоллари билан суҳбатда оғир замон хотиралари, ҳозирги дориламон кунлар ҳақида гапириб берди.

— Уруш йилларида фронт учун туну кун ишладик, кўп қийинчиликларни бошимиздан ўтказдик, — дейди Эътиборхон буви. — Ёвуз душман устидан қозонилган ғалабада халқимизнинг ҳам катта ҳиссаси бор, болаларим.

Бундай тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари, маҳаллаларида бўлиб ўтмоқда.

Аҳмадиялло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Суратда: Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Аҳмад Жабборов Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари даврасида.

Доимо эъзоздасиз

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан уруш ва меҳнат фахрийларини хотирлаш ҳамда партия тизимида турли йилларда фаолият олиб борган нуронийларнинг ҳолидан хабар олиш анъанага айланган.

Ушбу тадбирларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, «Фаол аёллар»,

«Истиқбол» ёшлар қаноти, Тарғиботчилар гуруҳи аъзолари, партия фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

— 9 май мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Назира Матёкубова. — Мазкур сана арафасида халқимиз, ватанимиз мустақиллиги, осойишталиги йўлида азиз жонларини қурбон қилганлар руҳини ёд этиш, ҳаёт бўлганларини қадрлаш, нуронийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш каби инсоний фазилатлар яққол намоён бўлмоқда.

Тадбирлар доирасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашувлар ташкил этилмоқда, яқин ўтмишнинг суронли йиллари ҳақида ҳикоялар тинглатиб, бугунги дориламон кунларга шукрона келтирилмоқда. Партия фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари уруш ва меҳнат фахрийлари хонадонларида бўлиб, улардан ҳола-аҳвол сўрашмоқда, совға-саломлар, гуллар улаштирмоқда.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Яхши инсон ёди

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси

ҳамкорлигида Касби тумани, Хўжахайрон қишлоғида ўтказиладиган хотира тадбири ҳақида эшитиб, тўғриси, юрагим энтикиб кетди, хотиралар ёдимга тушди...

► Давоми 2-бетда.

■ БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асраш — бош мақсадимиз



2

■ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартдаги қарори мувофиқ, Фарғона вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланди. Вилоятда 1040 фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 10 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайланади.

Сайловлар муқобиллик асосида ўтмоқда

«Қанғиржа» Тошлоқ туманидаги обод ва намунали маҳалла фуқаролар йиғинларида бири. Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига 3 номзод курсатилди. Бу фуқароларга энг муносиб номзодни танлаш имконини берди. Сайловда маҳалла аҳли номидан 82 вакил иштирок этди.

Номзодлар ўз фаолият дастури билан аҳолини таништирди. Бу, ўз навбатида, қайси номзодни сайлаш масаласига тўғри ёндашиш, номзоднинг фуқаролар йиғини фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ режаларидан хабардор бўлиш, раисликка сайланган тақдирда, унинг фаолиятини назорат қилиб боришга замин яратди. Номзодлар дастурида маҳалла ободлиги, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, маҳаллани кичик бизнес ва хунармандлик марказига айлантириш, ёшлар таълим-тарбияси ва ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлиги асосий мақсад қилиб олингани сайловчиларга манзур бўлди.

Яширин овоз бериш йўли билан Дилором Отабекова маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

Сайловда вакиллар томонидан маҳалла фуқаролар йиғинининг 9 маслаҳатчиси ҳам сайланди.


Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон

Қашқадарё

Бухоро



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 мартага ортиди

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Раиси Муса Ернйезов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот 1 триллион 204 миллиард сўмни ташкил этди. Хусусан, бунда кичик бизнеснинг ҳиссаси 48,9, хизмат кўрсатиш соҳасиники 51,8 фоиз бўлди. Бу ҳақда «Қорақалпоғистон тонги» газетасига асосланиб kruz.uz сайти хабар бермоқда.

Ўтган йилнинг ушбу даврига таққослаганда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 198,6, халқ истеъмол товарлари 112, қурилиш ишлари 108,8 фоизга ўддаланди.

Январь-март ойларида барча манбалар ҳисобидан 626 миллиард сўм инвестиция ўзлаштирилди.

108 ижтимоий объектларда 95,3 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. 48 километр йўл таъмирланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг экспорт салоҳияти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 мартага ортиб, 106,3 миллион АҚШ доллари, жумладан, ҳудудий корхоналар ҳиссаси 8,1 АҚШ долларини ёки 115,9 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Адҳам Икромов иштирок этди.

ҚАРШИ САВДО МАЖМУАСИ

замонавий қиёфада

1 гектардан ортиқ ҳудуддаги 145 дўконни ўз ичига олган Қарши савдо мажмуаси тўдан реконструкция қилинди. Бу ҳақда «Қашқадарё» газетаси сайтида хабар берилган.

Мажмуада 1 миллиард 450 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Дўконларнинг шаффоф ойнаванд кўринишда қайта қурилган мажмуага ўзгача жозиба бахш этди. Йўлаклар кенгайтирилиб, сотувчию харидорлар учун қўшимча қулайликлар яратилди.

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА

бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди

Аҳоли бандлигини таъминлаш, битирувчиларни ишга жойлаштириш мақсадида ўтказилган анъанавий тадбирда вилоятдаги қорхона ва ташкилотлар 500 га яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Бухоро вилоят ҳокимлиги расмий сайтида хабар берилишича, мазкур ярмаркада ташкилотчилар ва соҳа мутахассислари томонидан қатнашчиларнинг меҳнат қўнунчилигига оид саволларига атрофлича жавоб берилди. Вилоят олий ўқув юрлари ва уларнинг битирувчилари ҳамда иш бериувчилар ўртасида 200 дан зиёд уч томонлама шартнома тузилди.

ЎзХДП ФАРҒОНА
ВИЛОЯТ, ТУМАН,
ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИДА

ФАРҒОНА ТУМАН КЕНГАШИ ПЛЕНУМИДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ГУРУҲЛАРИ ИШИНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

БУВАЙДА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ОЛТИАРИҚ ТУМАН КЕНГАШИ ВА ҚАТОР ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН «ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН» ШИОРИ ОСТИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА
ҚАДРЛАШ КУНИ

■ Эзгу ишлар, эзгу амаллар, яхши инсонлар ҳаёт йўли,
улар билан боғлиқ хотиралар қалбимизда мангу яшайди.

Яхши инсон ёди

1999 йилнинг 3 августи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Бу тарихий воқеанинг ўзига хослиги шунда эдики, юксак унвон мамлакатимизнинг тўрт нафар моҳир деҳқонига берилганди. Улар орасида Хўжахайрон қишлоғида туғилиб ўсган Файбулла Раҳмонов ҳам бор эди. Кўп ўтмай шу қишлоқлик Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевнинг «Олтин бошоқлар қўшиғи» бағишлов шеърли матбуотда босилиб чиқди. Унда шундай меҳрли сатрлар жой олган:

Номингиз ҳаётда нон каби азиз,
Тўкин дастурхонда меҳрингиз яшар.

Тўрда турмоқликка бордир ҳақингиз,
Шон-шухрат унвони сизга ярашар...

Яхши кунларнинг бирида Хўжахайрон қишлоғига, моҳир деҳқоннинг даласига бордим. Файбулла ака шундай самимий, бағрикенг инсон эканларки, гап сўзлари кишини лол қилиб қўярди. Далани айлантириб, нон-насиба манбаи бўлган ер, уни асраш, келажакдаги режалари ҳақида айтган фикрлари ҳамиша ёдимда. У етиштирган буғдой ноннинг таъми ҳеч қачон унутилмайди. Афсуски, ҳаётнинг биз билмаган синопсислари кўп. Меҳрдан яшаган далаларнинг сардори 2004 йилнинг 12 сентябрида 64 ёшида оламдан ўтди...

Йўл бўйи ана шу хотиралар ҳақида ўйлаб кетдим. Тадбирдан бир кун олдин Хўжахайрон қишлоғига етиб келдим. Мана, Файбулла аканинг хонадонидан. Бу кўркем уйлари ўзи курган, кенг ҳовлида у ўз қўли билан ўтказган ток, анор ва бошқа мева-дархатлар шамолда оҳиста тебранади. Булар — фарзандлари, набиралари насибаси.

Менга ва дўстим — тарих фани муаллими Расулжон Маҳмаевга меҳмонхонадан жой қилишди. Аммо

Давоми. Бошланғичи 1-бета.

негадир уйқум қочди. Хона тўридаги Файбулла аканинг маҳаллий мусаввир чизган суратига боқаман. «Ўзбекистон Қаҳрамонлари» китобидан у киши ҳақида ёзилган публицистик мақолани қизиқиб ўқийман. Ёзувчи ва журналист Юсуф Бердиев томонидан Файбулла акага бағишланган «Ўзингдан қўямасин, далам» деб номланган хотира китобини ва-рақлайман...

Дала ва меҳнат у кишининг китоби эди. Кўп ўқиб, ўрганар эдилар. Ўзини аямасди, бир қафт дон топса, муҳтожлар билан баҳам кўрарди.

Файбулла аканинг сўзларини эслашман: «Ёшлигимиз кўп оғир ўтган. Трактор ҳайдадим, бригадир бўлдим, бутун умрим далада ўтди.



Тўғриси, мендай оддий деҳқонга Ўзбекистон Қаҳрамони, деган улуг мукофот берилиши ҳаёлимга ҳам келмаган...

У ўзини ҳамиша камтар оларди. Аслида у оддий деҳқон эмас, қишлоқ хўжалигининг билимдони эди.

Бу оилада етти қиз ва бир ўғил камолга етди. Ҳар бири бир дунё. Ҳозир 22 нева ва саккиз чевара улғаймоқда. Ҳаёлимда «оддий тракторчиликдан иш бошлаган Файбулла ака эл-юрт эътиборига тушиб, шунчалик ҳурматга сазовор бўлди. Файратига файрат қўшган қудрат нима, ўзи?», деган савол кезарди. Бунга фақат қирқ йил бирга яшаган умр йўлдоши жавоб бериши мумкин эди.

— У киши мендан олти ёш катта эдилар, — дейди Пардахоҳ ая. — Онаси ёшлигида қазо қилиб, кўп қийинчилик кўрган. Бригада бошлиғи бўлган отаси Раҳмон бобо ёшлиқдан далада меҳнат қилишга ўргатган. Улғайиб, Тошкентдаги тракторчилар тайёрлаш курсида ўқиб келдилар. Дала ва меҳнат у кишининг китоби эди. Кўп ўқиб, ўрганар эдилар. Ўзини аямасди, бир қафт дон топса, муҳтожлар билан баҳам кўрарди. Саксон биринчи йилда ўғлимиз Фойибжон туғилганда, «издошим», деб роса суюнган эди.

Ўзи ёшлиқдан оғир меҳнат қилишга мажбур бўлгани учун фарзандларимизнинг барчасини ўқитди, касб-хунарли қилди.

— Эсимда, Қарши давлат университетида сиртқи бўлимига ҳужжат топширган эдим, — ҳикоя қилади муаллима қизи Санобар Раҳмонова. — Отам солиқлари ёмонлашиб, далада ишлаш учун Тошкентга отланиб турганди. Мен кўнмасам ҳам сафарни қолдириб, институт ҳовлисида имтиҳондан чиқишимни беш соат кутганлар. Отамдан ўтган меҳрни бугун фарзандларим ва ўқувчиларимга бераёлман.

— Эй, ака, ёшлигимда озроқ ўйинқароқ бўлганман, — қулади ота издоши Фойибжон Раҳмонов. — Аммо отам қатъиятли эдилар. Ўқидим, олий маълумотли бўлдим. Агар оилада ёлғиз ўғил бўлган бўлсам, ўзимнинг ҳозир 4 нафар ўғлим бор. Кенжаимизга бобосининг исмини қўйганмиз. Энди айтсам, отам ишлаган 102 гектар ерда фермер хўжалиғи тузиб, 10 йил меҳнат қилдим. Пахта, дон етиштириб кел-япмиз. Ростини айтман, роса қийналдим, отамдек бўлиш қийин экан. Ўтган йили фермер хўжаликлари қайта ташкил қилиниб, бизга 44 гектар ер қолдирилди. Энди ишни эп-лаб кетамиз...

Ҳа, Файбулла акадек қуч-қудрат, маҳорат, файрат-шижоатга эга инсон бўлиш осон эмас. Аммо деҳқончилик тутумини тутган фарзандлари, шогирдлари олға интилишга, орзу қилишга — бу низоғда муҳим.

Хўжахайрон қишлоғидаги 34-мактаб ҳовлисида. Шу жойдаги эски мактабда бир вақтлар Файбулла ака сабоқ олган. Бугун қўш қаватли кўркем иморатда 646 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Компьютер синфлари, спорт майдончаси, ёпиқ спорт зали ва бошқа имкониятлар ёшлар учун. Шу кўни тадбир доирасида шохмат, волейбол, баскетбол ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ҳам ўтказилди. Фойибжон тадбирининг бош ташкилотчиси —

ЎзХДП Касби туман кенгаши раиси Султон Ҳамроев, агроноат мажмуи туман уюшмаси

бошлиғи Ботир Исмолов эсдалик совғаларини топширди.

Шундан кейин **ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Музаффар Туропов** Хотира ва қадрлаш кўни, унинг аҳамияти, партияимизнинг уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, пенсионер ва муҳтож кишиларга кўмак бериш борасидаги ишлари ҳақида гапирди. Файбулла Раҳмонов партияимизнинг фаол аъзоси бўлгани, муҳтожлардан ёрдам ва меҳрини аямаганини тилга олди. «Нуроний» жамғармаси туман кенгаши раиси Чўли Жўраев, «Камолот» ЁИХнинг мактабдаги етакчиси Гўлрух Файбуллаева, партияимиз аъзоси, фахрий ўқитувчи Фаттоҳ Жўраевнинг сўзларини кўпчилик ҳаяжон билан тинглади.

— Мен жуда тўлқинланиб кетялман, — дейди қишлоқдаги **ҳудудий бошланғич партия ташкилотчиси Эргаш Каримов**. — Чўки Файбулла ака билан елкама-елка ишлаганман, у кишининг даъвати билан институтда ўқиб, агроном бўлдим. Файбулла ака ер илмини чўкур билардилар, тажрибалари биз учун дастур эди.

Тадбирнинг яна бир ҳаяжонли воқеаси шу бўлдики, партияимиз сафига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Улар орасида муаллима Санобар Раҳмонова ҳам бор эди. «Отам аъзо бўлган партиянинг гоё ва мақсадлари мен учун ҳам азиз», деди у чин юракдан.

Тадбир сўнггида отанинг саккиз яна чевараси — Файбуллажоннинг дон-дона сўзлари ҳаммани ҳаяжонга солди.

— Мен бобоимизни кўрмаганман, лекин уйимизда суратлари кўп, — деди **Файбулла**. — Катта бўлсам, мен ҳам бобом каби дон, нон етиштираман...

Унга ўргатишганими ёки бола ўз тилидан айтганими, барибир, бу гаплардан ҳамманинг юраги сел бўлди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ БАРКАМОЛ АВЛОД
ОРЗУСИ

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори томонидан Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Ёшларни ёт
ғоялар
таъсиридан
асраш —
бош мақсадимиз



Кўкил ГОСУРОВ олган сурат.

— Бугунги ахборот технологиялари ривожланган, илм-фан тараққий этаётган бир даврда ёшлар онгига ўз ғоясини сингдиришга интилаётган кучлар ҳам бор, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Умрбек Бектемиров**. — Бу жараёнда маънавиятимизга зид бўлган, ёшларнинг онги ва ҳаётини захарлашга интилаётган гуруҳларга қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилишимиз даркор. Бу анча мураккаб жараён ҳисобланади. Биз шунчаки чет элда ишлаб чиқарилган, деб қарайдиган айрим маҳсулотлар ташвиқотида ҳам бузғунчи ғоялар яширинган бўлиши мумкин. Интернет бугунги кўнда бунёдкор ва вайронкор ғоялар жамланган тармоққа айланиб бўлди. Лекин уни чеклаш орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Интернетдан яхшисини олиб, ёмонини четга суриш, бунинг учун ёшларда иммунитет шаклланиши даркор. Ана шундагина ҳар томонлама баркамол авлод гоёга етади.

— Глобаллашув ҳақида гап кетар экан, кўпинча Маҳатма Гандининг сўзларини эслашман, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ходими Суннатилло Бозорбоев**. — У айтдики, «Мен ташқаридаги бўрондан қўриқиб, деразани ёпиб қўя олмайман, чўки менга тоза ҳаво керак. Шу билан бирга, тоза ҳаво керак экан, деб деразани катта очиб ҳам қўя олмайман, чўки менинг уйимни чанг-тўзон босиб кетишни хоҳламайман». Ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Биз ёшларга улардан самарали фойдаланишни ўргатишимиз керак. Мамлакатимизда чет тиллари 1-синфдан ўқитилаётгани бежиз эмас. Интернет тармоғида аксарият ресурслар инглиз тилида. Чет тилларини ўрганаётган болаларда ёт ғояларга қарши туриш ҳиссини уйғота олсак, улар баркамол инсонлар бўлиб воғга етишади.

— Бугунги давра суҳбати талабаларимиз ёдига узоқ вақт сақланиб қолишига ишонман, — дейди **Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти проректори Дилфуза Раҳматуллаева**. — Талабаларимиз муҳим маълумотларга эга бўлди. Тадбир доирасида институтимизда ўзига хос кўргазма ташкил этдик. Ёш рассомлар ёт ғояларга қарши курашиш, мавзусида суратлар чизилди.

Тадбир сўнггида энг яхши сурат муаллифларига ҳамда давра суҳбатда фаол иштирок этган талабаларга ЎзХДП Марказий Кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎзХДП: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти

изчил йўлга қўйилган ҳудудда партияга ишонч янада ортади

Сиёсий партияни аҳолига яқинлаштирадиган, нуфузини оширадиган энг асосий омил электорат манфаатини ҳимоя қилиш, ишончини қозонишдир. Шундай экан, жойлардаги муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат беришда партияимиз Жамоатчилик қабулхоналари муҳим ўрин тутмоқда. Одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш учун ҳар бир партия кенгаши ва гуруҳлари масъулиятни янада кучайтириши талаб этилмоқда.

Жамоатчилик қабулхоналарининг жорий йил биринчи чорагидаги фаолияти таҳлили мурожаатларга ўз вақтида ечим топишда муайян натижаларга эришилаётганини кўрсатмоқда.

Минтақавий кенгашлар қўшидаги 205 Жамоатчилик қабулхонасига ушбу даврда 2422 мурожаат келиб тушган, уларнинг ҳозиргача 74 фойизи ижобий ҳал этилган. Мурожаатларнинг асосий қисми, яъни 542 таси иш билан таъминлаш, 464 таси коммунал хизматлар, 269 таси эса моддий ёрдам кўрсатиш масалалари билан боғлиқ бўлди.

Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партияимиздан сайланган депутатлар фаол иштирок этмоқда. Аксарият Жамоатчилик қабулхоналари ҳузурида

ҳуқуқий маслаҳатхоналар ишлаб турибди. Бу фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни ўйлантирган масалалар бўйича малакали жавоб берилишига хизмат қилмоқда.

Навоий шаҳри Меъморлар кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Рохила Саимова ишга жойлашишда амалий ёрдам сўраб, Навоий шаҳар кенгашига мурожаат қилган. Ушбу масала бўйича халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Фарход Курбонов «Бахт текстиль» МЧЖ қўшма корхонасига сўров юборди. Тез орада масала ижобий ҳал этилиб, фуқаро ишга жойлашган.

Сергели туман кенгаши томонидан ташкил этилган кўча Жамоатчилик қабулхонасига кам таъминланган, 1-гуруҳ ногирони Маҳбуба Бокижонова уйининг томи таъмирталаб экани ҳақида



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

мурожаат қилган. Бу масала юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Хайдар Бобохонов ва Сергели туман кенгаши раиси Шоира Хўжаева «Азия коммуналчи» ТЧШЖ раҳбариятига мурожаат қилиб, уни ижобий ҳал қилди.

Бундай мисолларни кўп-лаб келтириш мумкин, албатта. Муҳими, мурожаатлар ҳал этиляпти. Одамларнинг оғирни енгил бўляпти. Бу ўз навбатида, партияимиз ташкилотлари, гуруҳлари электро-ратга, ҳаётга янада яқинлашиб бораётганидан далолат беради.

Лекин амалга оширилган самарали ишлар билан бир каторда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида

Минтақавий кенгашлар қўшидаги 205 Жамоатчилик қабулхонасига ушбу даврда 2422 мурожаат келиб тушган, уларнинг ҳозиргача 74 фойизи ижобий ҳал этилган.

камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида Андижон,

Тошкент вилоятларидаги айрим Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаат тушмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрининг айрим туманларида мурожаатларни ҳал этиш масаласига етарли эътибор берилмаяпти.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз керак. Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти яхши ташкил этилган ҳудудда одамларнинг партияга ишончи янада мустаҳкамланади. Шу боис ишимизни чўкур таҳлил этиб, электорат манфаатини ҳимоя қилиш имкониятларидан самарали фойдаланишимиз зарур.


Дурбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МУЗРАБОТ ТУМАН КЕНГАШИ «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТУМАН КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «БИЗ — ТИНЧЛИКСЕВАР СИЁСАТ, ОЗОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ТАРАФДОРИМИЗ» ШИОРИ ОСТИДА ТАДБИР ЎТКАЗДИ.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА
ҚАДРЛАШ КУНИТинчлик ва бахт мамлакати — Ўзбекистонда
бутун умрга қолдим.

Хаёт — хотира билан
зийнатли. Инсон нафақат
орзу-ниятларсиз, балки
хотирасиз ҳам яшолмайди.
Хотира ва қадрлаш айёми
арафасида Наманган
шаҳридаги Хотира хиёбони
байрамона тус олди.
Бу ерда «Ватанпарвар»
ташкилоти, «Нуроний»
жамғармаси, «Камолот»
ёшлар ижтимоий
ҳаракати вилоят
кенгашлари, таълим
муассасалари томонидан
маънавий-маърифий
тадбирлар ўтказилмоқда.

Хотира хиёбонида
ноанъанавий дарс

— Иккинчи жаҳон уруши бошланганида 12 ёшга тўлган қизалоқ эдим, — дейди 90 ёшли меҳнат fronti фахрийси Лидия Филатова. — Фашистлар мен туғилиб ўсган шаҳарни қамал қилдилар. Қишнинг аёзларида қаҳатчилик азобини чекдик. Туғишларим, қалдронларим очликдан вафот этишди. Оғир ва таҳликали кунларда Ўзбекистондан паноҳ топдим. Ўшанда ўзбек халқи биз етимларни қучоғига олди. Ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлаб,

мактабда дарс бердим. Тинчлик ва бахт мамлакати — Ўзбекистонда бутун умрга қолдим.
— Саккизинчи синф ўқувчилари билан навбатдаги тарбиявий соат машғулоти ўтказиш учун Хотира хиёбонига келдик, — дейди Наманган шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мадинахон Капанадзе. — Машғулотида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти қатнашчилари Саримсоқжон Низоми, Сергей Крюков, Лидия Филатова, Аҳмаджон Хожиев,

Жаббор Солиқов сингари тарбаррук отахон ва онахонлар иштирок этиб, уруш хотираларидан сўзлаб беришди.

Мактаб ўқувчилари айвондаги хотира китобларини бир-бир варақлаб, тинч ва фаровон ҳаётимиз учун жон фидо этган ота-боболарини эсладилар.

— Бу даргоҳдаги зиёратдан сўнг вилоят Хотира ва қадрлаш музейига борамиз, — дейди Наманган миллий ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш коллежи ўқитувчиси Ҳамидулло Аҳмедов.

— Ундан кейин уруш ва меҳнат

фахрийлари хонадонларига ўтамиз. Тарихнинг таҳликали кунларида қаҳрамонлик кўрсатган тарбаррук зотлар суҳбатидан олам таассурот олган ўқувчи-ёшлар қалбида тинчлик мустақиллик қадри янада юксалди.

Хотира хиёбонида ноанъанавий дарс машғулоти, маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Юридик ёрдам:

сифат ва самарадорлик

Адлия вазирлигида навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди. Унда адлия органларининг фуқароларга юридик хизмат кўрсатиш борасидаги фаолияти, уни янада такомиллаштиришга қаратилган лойиҳалар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нафақат давлат органлари, шунингдек, нодавлат ташкилотлар ҳам иштирок этмоқда. Улар ичида адвокатуранинг алоҳида ўрни бор.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларга малакали юридик ёрдам олиш имкониятини яратиш, адвокатура соҳасини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ва адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, Республика адвокатлар палатаси ташкил топди. Ҳозир мамлакатимиз бўйича жами 4000 нафарга яқин адвокат фуқароларга юридик ёрдам кўрсатмоқда.

Жумладан, 2015 йил давомида адвокатлар томонидан

жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик процессида иштирок этиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида 165 мингдан зиёд битим тузилган.

Кундалик ҳаётда ҳуқуқий масалаларнинг ечими юзасидан фуқаролар кўпроқ муурожаат қиладиган идоралар нотариат ва ФХДЭ органларидир. Шунинг учун уларнинг масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, 2016 йилнинг 1 июлидан бошлаб нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказишда тест синовлари жорий этилиши белгиланди. Унга қўра, нотариус лавозимига талабгорларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий, хорижий тиллар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билим даражасини аниқлаш мақсадида тест синовлари ўтказилади.

Шунингдек, Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия

органларининг расмий веб-сайтларида нотариал ҳаракатлар учун давлат бож, пуллик хизмат ва герб йиғимлари қийматининг автоматлаштирилган ҳисоб-китобини амалга оширувчи электрон калькулятор дастури яратилди. «Адолат» нашриётида «Нотариал ҳаракатлардан намуналар» тўплами чоп этилди.

Охириги йилларда адлия органлари ва муассасаларида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан яна бири ФХДЭ органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига асосан ҳар йили ФХДЭ органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари дастури тасдиқланмоқда. Унга асосан 2013-2015 йиллар давомида республикаимиз бўйича 41 янги ФХДЭ органи биноси қурилди, 39 ФХДЭ органи биноси эса капитал таъмирланди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚУТЛОВ

«МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

уруш ва меҳнат фахрийларини

Хотира ва қадрлаш кунини таъбриклайди!

Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, тинчлигимиз барқарор бўлсин!



www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН 2013-2020 ЙИЛЛАРДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, ТАРМОҚЛАРИ ВА АЛОҚА ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИГА КЎРА, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА 500 КИЛОМЕТРДАН ЗИЁД КЕНГ ПОЛОСАЛИ ОПТИК-ТОЛАЛИ ТАРМОҚЛАР БАРПО ЭТИЛДИ ВА ЗАХИРАГА ОЛИНДИ.

ҚУТЛОВ

■ Реклама ва эълонлар

«Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи»

унитар корхонаси жамоаси

9 май — Хотира ва қадрлаш кун

муносабати билан уруш ва меҳнат
фахрийларини муборакбод этади!



9 may

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol

XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559

14552

nusxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 20:55

Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5 6